
АЛИМЕНТ ТЎЛАМАГАН 4 НАФАР ҚАРЗДОРЛАРГА ЧОРА КЎРИЛДИ.



Бюронинг Данғара туман бўлими иш юритувида бўлган Фуқаролик ишлари бўйича Қўқон туманлараро судининг 06.11.2020 йилги алимент ундириш ҳақидаги ижро ҳужжати бўйича қарздор Б.Х. давлат ижрочиси томонидан бир неча бор огохлантирилган бўлсада, икки нафар фарзандининг моддий таъминоти учун 13 ой давомида 14.7 млн. сўм алиментни ундирувчи Б.Н. га тўламай келганлиги сабабли, туман судининг 12.04.2022 йилги қарори билан Б.Х. Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 47-4-моддасига асосан 15 сутка маъмурий қamoқ билан жазоланди.

Шунингдек, қарздорлар Х.Л. 7.7 млн сўм, И.Р. 26.9 млн сўм ва бошқалар жами 4 нафар қарздорлар суднинг қарорига асосан 15 суткадан маъмурий қamoқ билан жазоланди.

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг](#)

[Facebook](#),

2022-04-19 09:14:09